

Ўзинг суйган нарсадан нафақа қил!

10:10 / 06.07.2021 3403

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Толҳа Мадинада ансорийлар ичида энг бой одам эди. Молу мулкининг ичида Байруҳо номли боғ энг севимлиси эди. Бу боғ масжиднинг тўғрисида эди. Расулуллоҳ алайҳиссалоту вассалом ундаги ширин сувдан ичардилар. *«Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмайсиз»* ояти нозил бўлганда Абу Толҳа: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ: *«Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмайсиз»*, демоқда, молу мулким ичида мен учун энг севимлиси Байруҳодир. Уни Аллоҳнинг йўлида садақа қилдим. Унинг яхшилигидан ва Аллоҳнинг ҳузуридаги савобидан умидворман. Эй Аллоҳнинг Расули, шуни сизга бердим, Аллоҳ кўрсатган жойга ишлатинг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Яхши, яхши, бу – фойда берувчи мулк, бу – фойда берувчи мулк. Мен уни қариндошларинг фойдасига ишлатсанг, дейман»**, дедилар. Абу Толҳа: «Худди шундай қиламан, Эй Аллоҳнинг Расули», деди. Сўнгра Абу Толҳа уни қариндошлари ва амакисининг ўғиллари фойдасига тайин қилди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.